O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 25 апрель, № 78 (3877) Сешанба



Мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари — 2006» спорт мусобақаларининг республика босқичи бошланишига саноқли кунлар қолди. Қашқадарё вилояти жамоатчилиги бу катта спорт байрамига қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

Эпчиллигу баҳодирлик намойиши

Мусобақа қатнашчиларининг спорт беллашувларидан бўш вақтларини кўнгилли ўтказишларини ташкил этиш ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳақда вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармасининг бошлиғи Усмон НУСУРОВ мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Мамлакатимиз ёшлари ўртасида ўтказилаётган оммавий тадбирларнинг замирида битта мақсад бор. Бу — жонажон Ватанимизга бўлган муҳаббатни кучайтириш ва пировардида эл-юртга садоқатли, фидойи авлодни тарбиялашдир. Вилоятимизда ўтказилаётган «Умид ниҳоллари-2006» спорт мусобақалари иштирокчилари учун ҳозирлаб қўйилган маданий-маърифий тадбирларнинг йўналиши худди шу мақсадга қаратилган.



Бу нуфузли спорт мусобақаларининг юқори савияда ўтишини таъминлаш мақсадида республика «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бош директори Баҳодир Абдураҳимов раҳбарлигида ташкилий-ижодий гуруҳ фаолият кўрсатмоқда. Вилоят ҳокимлиги томонидан ҳам ишчи гуруҳи тузилган. Унинг таркибига вилоят ҳокимлиги масъул ходимлари, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, «Ўзбекрақс» вилоят бўлимлари, вилоят сайёҳлик-экскурсия бюроси вакиллари киритилган. Ишчи гуруҳига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори Муродулла Нормуродов раҳбарлик қилмоқда. Ҳозиргача спортчиларнинг турар-жой масканларида ўтказиладиган тадбирлар режаси ишлаб чиқилди, уларни амалга ошириш учун масъул ходимлар, ҳомийлар белгиланди.

Шуни таъкидлаш керакки, мусобақа иштирокчилари ва меҳмонлари учун 11 та турар-жой маскани тайёрланди. Уларда ёшларнинг яшашлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Ҳар бир турар-жой масканида эрталабки йиғилишларни ўтказиш майдончаси бўлиб, «Умид ниҳоллари — 2006» байроғини кўтариш учун мосламалар, Давлат мадҳиясини эшитириш учун радиокарнайлар тайёр ҳолга келтирилди. Маънавият ва маърифат хоналари, кутубхоналар, интернет марказлари, машқ хоналари жиҳозланди. Ёшлар учун мўлжалланган энг яхши китоблар, газета ва журналлар ҳар куни етказиб берилади. Бундан ташқари, спорт ва маънавиятимизга оид ҳужжатлар ва бадиий фильмларни намойиш этиш учун техник жиҳозлар ўрнатилди.

Ҳар куни соат 19.00 дан 21.00 гача спортчи ёшлар ва меҳмонларнинг маданий дам олишлари учун вилоятимизнинг таниқли санъатқорлари, мусиқий ансамбллар, фольклор-этнографик дасталари иштирокида концертлар, дискотекалар уюштирилади.

Мусобақа кунларида вилоятимиз меҳмонлари Қарши шаҳридаги диққатга сазовор гўшаларни, Шаҳрисабз шаҳридаги Оқсарой, Кўкгумбаз, Чубин, Доруссаодат каби тарихий обидаларни бориб кўрадилар. Бир сўз билан айтганда «Умид ниҳоллари — 2006» иштирокчилари ва меҳмонлари нуфузли спорт байрамида қатнашиш билан бирга, Қашқадарё ва қашқадарёликлар билан яқиндан танишиш имкониятига ҳам эга бўладилар.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Ж. НОРҚОБИЛОВ
олган суратлар.

26 апрель — АмирТемур ордени таъсис этилган кун

ЮРТ КЎКСИДАГИ ИФТИХОР

Амир Темур ордени таъсис этилганига ўн йил тўлди

Олий унвон ва мукофотларда ҳар бир мамлакатнинг тарихи, қадриятлари, миллий анъаналари, миллат ифтихорига айланган улуғ зотлар сиймоси акс этади. Мустақиллик йилларида юртимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ана шундай давлат мукофотлари, орден ва медаллари таъсис этилди. Улардан бири Амир Темур орденидир.

Соҳибқирон нафақат Ватанимиз ва миллий давлатчилигимиз, балки дунё тарихида ўз ўрни, мавқеи ва салоҳиятига эга буюк шахслардандир. Унинг ҳаёти, фаолияти, авлодларига қолдирган бой мероси асрлар оша халқимизнинг сиёсий, ижтимоий ва маънавий ҳаётида муҳим дастуриламал бўлиб келмоқда. Буюк бобомиз раҳнамолигида яратилган бетакрор тарихий обидалар, осори атиқалар ҳанузгача темурийларга хос куч-қудрат, боқийлик тимсоли бўлиб келаётир.

Истиқлол ўтмишимиз, аждодларимизнинг ибратли ҳаёти, уларнинг бой маънавий меросига холисона ва ҳаққоний ёндашиш имконини берди. Кўплаб улуғ аждодларимиз сингари Соҳибқирон Амир Темур сиймосига ҳам муносабат ва қарашлар ўзгарди. У бугунга келиб миллат тимсолига, халқимизнинг фахру ғурурига айланди.

1996 йилда буюк бобокалонимиз таваллудининг 660 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди. Бу Ўзбекистоннинг, тарихимиз ва улуғ аждодларимизнинг яна бир жаҳоний эътирофи эди. Ана шу қутлуғ сана арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Амир Темур ордени таъсис этилди.

Орден марказида Соҳибқироннинг от устидаги улуғвор қиёфаси акс эттирилган, тасвир остида эса, бобомизнинг ўз ҳаётида қатъий амал қилган шиор — «Куч — адолатда» сўзлари битилган. Айни пайтда бу ҳикмат нафақат улуғ бобомизнинг, балки бугунги давлатимиз сиёсатининг ҳам туб моҳиятини ўзида ифодалайди.

Низомга мувофиқ, Амир Темур ордени билан давлатчилигимизни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари, меъморчиликни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, шу жумладан, ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга, давлатлараро ҳамкорликни, тинчликни ҳамда халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга алоҳида ҳисса қўшган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, мамлакатимиз фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланади.

«Давлат мукофотлари тўғрисида»ги қонунда қайд этилишича, фуқаролар билан бирга, айрим ҳолларда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ижодий жамоалар ва ҳарбий бўлинмалар, шунингдек, мамлакатимизнинг маъмурий бирликлари ҳам мукофотланиши мумкин.

Тарихдан маълумки, Самарқанд ва Шаҳрисабз Соҳибқироннинг ҳаёти ва фаолиятида кенг ўрин тутган. У кўҳна Кешда таваллуд топиб, вояга етган бўлса, Самарқандни ўз салтанатининг пойтахтига айлантирган. Бу икки шаҳарнинг гуллаб-яшнашига, юксалишига алоҳида эътибор қаратган, етти иқлимга машҳур обидалар барпо эттирган. Уларда Амир Темур ва Темурийлар даврида қурилган тарихий ёдгорликлар бугун барча юртдошларимиз қалбида чексиз ғурур, хорижлик сайёҳларда эса, катта қизиқиш ва ҳайрат уйғотиб келади.

Мустақиллик йилларида ҳам бу шаҳарлар ўзгача чирой очди.

Янги-янги иморатлар, замонавий иншоотлар уларнинг кўркига кўрк қўшмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг фармонига биноан, 1996 йилнинг 28 август куни Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари Амир Темур ордени билан мукофотланди.

Мустақиллигимизнинг ўн икки йиллиги арафасида Андижон вилояти ҳам ана шундай юксак мукофот билан тақдирланган.

2004 йилнинг 13 июль куни юртимиз тарихида илк бор ўзбек ўғлони Рустам Қосимжонов шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Унинг бу юксак ғалабаси Юртбошимиз томонидан муносиб баҳоланди — Рустам Қосимжонов Амир Темур орденига сазовор бўлди.

Бу йил мамлакатимизда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги кенг нишонланмоқда. Зеро, асрлар ўтса-да, улуғ саркарданинг Ватан, халқ олдидаги улкан хизматлари ўз аҳамиятини йўқотмайди. Унинг улуғвор, покиза сиймоси барчамизни янгидан-янги зафарларга, ютуқларга ундовчи куч-қудрат манбаи, буюклик, ҳурлик ва мангулик тимсоли бўлиб қолаверади.

Рустам ЖАББОРОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Фестиваль

ГАНГА ТЎЛҚИНЛАРИ

Ўзбекистон кино экранларида мавжланади

Ўзбек ва ҳинд халқи азал-азалдан бир-бирига дўсту қадрдон бўлиб келган. Мустақиллик йилларида мамлакатларимиз ўртасида турли соҳадаги муносабат, савдо-сотиқ, маданий-маърифий ҳаётдаги ҳамкорлик ривожланиб бормоқда. Президентимизнинг ўтган йили Ҳиндистонга ташриф буюрганлари, бугун эса Ҳиндистон Бош вазири Манмоҳан Сингх жанобларининг Ўзбекистон Республикасига расмий ташриф билан келаётгани икки томонлама ҳамкорликда янги босқич бўлиши кутилаяпти.

Икки мамлакатнинг ўзаро борди-келди қилаётгани бежиз эмас, албатта. Урф-одатларимизда, айрим расм-русумларда ўзбек ва ҳинд халқининг ўхшаш томонлари кўп. Хусусан, санъат ҳақида тўхталадиган бўлсак, ҳинд бадиий фильмларининг юртдошларимиз томонидан севиб томоша қилиниши, Ўзбекистон — Ҳиндистон кино усталарининг бир қанча бадиий фильмларни ҳамкорликда суратга олишганини ҳам яхши биламиз. Шу маънода, "Ўзбеккино" миллий агентлиги ва Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида 25-30 апрель кунлари "Ўзбекистонда ҳинд кино санъати кунлари" фестивали ташкил этилмоқда. Фестиваль мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридаги кинотеатрларда намойиш этиладиган бадиий фильмлар санъатсеварлар учун ҳақиқий туҳфа бўлиши аниқ. Севги-муҳаббат, одамийлик, ота-онага ҳурмат каби хислатларни улуғловчи бадиий фильмлар рўйхатида Ҳиндистон киносининг асосчиси Раж Капур томонидан ижро этилган "Сангам", "Жаноб-420", "Дайди" каби санъат дурдоналаридан тортиб, энг сўнгги киноларгача жой олган. Айниқса, "Боғбон", "Вир ва Зара", "Вақт", "Зулмат" каби кейинги икки йил мобайнида яратилиб, катта довруғ қозонган янги киноларнинг экранларга қўйилиши томошабинларга чин маънода қувонч бахш этади.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Президент қарорини ўқиб

Маълумки, ривожланган хорижий мамлакатларда хизмат кўрсатиш тизимининг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси 60-80 фоизга тенг. Фақат шугина эмас. Хизматлар бозорида иқтисодиётда банд аҳолининг салкам 70 фоизи ишласа, аҳолининг истеъмол харажатлари таркибида эса ушбу соҳа 50-60 фоизни ташкил этади. Шунинг учун бизда ҳам мамлакат миқёсида хизмат кўрсатиш ва сервис тармоғини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС

соҳаси республикамизда янада ривожланади

Кўрилаётган чора-тадбирлар, шубҳасиз, ўз самарасини бераяпти. Кейинги беш йил ичида унинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 38,5 фоиздан ошгани, хусусан, транспорт ва алоқа тармоқлари бўйича хизмати кўрсатиш ҳажми 1,5 баравар, суғурта хизматлари 5 марта, лизинг операциялари қарийб 6 марта, аудиторлик хизмат кўрсатиш, пул билан ҳисоблаганда, 9 марта ўсгани шундан далолат беради. Айниқса, кейинги йилларда телекоммуникация алоқаси ва молиябанк тизимида хизматларнинг янги турлари тез суръатлар билан ривожланаётгани қувонарли ҳолдир.

Шу билан бирга, мазкур тармоқни ривожлантириш борасида бир қатор жиддий камчиликлар ҳам мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди. Ўзингиз айтинг: бу соҳа аҳоли бандлигини ошириш ва даромадларини кўпайтириш, қолаверса, маҳаллий бюджетларни тўлдиришнинг истиқболли манбаи экан, нима учун Андижон вилоятининг Қўрғонтепа, Марҳамат ва Жалолқудуқ, Наманган вилоятининг Мингбулоқ, Чортоқ ва Поп, Фарғона вилоятининг Фурқат, Ўзбекистон ва Охунбобоев, Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ, Пскент ва Оҳангарон туманларида аҳоли жон бошига маиший хизмат кўрсатиш ҳатто республика даражасидан анча паст? Ёки бўлмаса, Самарқанд вилоятининг Пайариқ, Қўшработ, Иштихон ва Тойлоқ, Сурхондарё вилоятининг Бандихон, Жарқўрғон ва Термиз туманлари, Тошкент вилоятининг Олмалиқ, Чирчиқ ва Бекобод шаҳарлари, Қашқадарё вилоятининг Нишон, Чироқчи ва Қамаши туманларида аҳолига маиший ва пуллик хизмат кўрсатиш аҳволи ҳамон қониқарсизлигини қандай баҳолаш мумкин?

Шу жиҳатдан қараганда, 2006 йил 17 апрелда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилингани айни муддао бўлди. Бу ҳужжатнинг аҳамияти шундаки, унда тармоқдаги камчиликлар рўй-рост очиб ташланди ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари аниқ белгилаб берилди. Ана шу асосий йўналишлар нималардан иборат?

Аввало, тармоқда тадбиркорларнинг фаоллиги янада кучайтирилади. Бунинг учун уларга қулай шароитлар яратилиб (тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратилади, хизматлар кўрсатаётган юридик шахслар эса 2006 йил 1 апрелдан бошлаб уч йилга муддатга даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлашдан озод этилади), бу борадаги расмиятчилик тўсиқларига барҳам берилади. Натижада 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган аҳоли сони 1,6 марта кўпайтирилади, хизматлар ҳажмининг юқори суръатларда ўсишини таъминлаш ҳисобига тадбиркорларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 49 фоизга етказилади.

Белгиланган давр ичида, шунингдек, қишлоқ жойларда коммунал-маиший, уй-жойларни таъмирлаш ва қуриш, сувдан фойдаланиш, ветеринария, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ва машина-трактор парклари соҳасидаги хизматлар ҳажми ва турлари ошириб борилади; юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг ва баҳолаш каби янги истиқболли хизмат турлари жадал ривожлантирилади; мамлакатимиз корхоналарининг халқаро бозордаги хизматлари ва уларнинг сифатини ошириш асосида хизматлар экспорти кўпайтирилади; хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масаласи ҳар томонлама қўллаб-қувватланади.

Бундан ташқари, Қарорга кўра, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш Дастурининг асосий кўрсаткичлари ва тадбирлари тасдиқланди. Бу Дастурга мувофиқ эса, тармоқ ва ҳудудий дастурлар қабул қилинади.

Кўриб турибсизки, республикамизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда янги босқич бошланди. Бу борада белгиланган дастурларнинг ижроси туфайли эса тармоқнинг иқтисодиётдаги улуши янада ортади, унда банд бўлганлар сони кўпаяди, шу асосда аҳоли даромадларини ошириш, ички истеъмол бозорини замонавий, ҳар хил сифатли хизмат турлари билан тўлдириш имкони яратилади.

И. ЎТБОСАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БОЖХОНА СИЁСАТИДА ҚОНУНЧИЛИК

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг ташаббуси билан Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтида иқтисодий интеграцияни жадаллаштириш шароитида божхона сиёсатининг қонунчилик базасини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси Б.Иминов бошқарган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, Давлат божхона қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари масъул ходимлари, Тошкент шаҳри ва вилоятида фаолият юритаётган тадбиркорлар иштирок этди.

Бугунги кунда Ўзбекистон тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйди. Юртимиз Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлди. Республикамизда иқтисодий

(Давоми 2-бетда).

«Шарқ зиёкори» Термизда

Коинотнинг чироғи — қуёшнинг зиёсидан 6000 даража иссиқлик ҳосил бўлиши маълум. Лекин бундан-да қудратли бўлган яна бир мўъжиза бор. Бу — китоб. Дунёнинг ёруғликлари шу зиёга пайваст бўлмас экан, кўнгиллар ёришмас, ишлар юришмас.

«Шарқ зиёкори» очиқ акциядорлик жамияти навбатдаги филиалини Термизда ташкил қилгани шу жиҳатдан ниҳоятда хайрли иш бўлди. «Ниҳоятда» деб урғу берганимизнинг боиси бор. Эсласангиз, газетамиз бундан икки йил аввал («Халқ сўзи», 2004 йил, 25 февраль) китоб дўконларининг камайиб кетаётгани, китоб савдоси эътибордан тушиб қолаётгани ва айниқса, мактаб ўқувчилари учун дарсликлар, ўқув қўлланмалари таъминотида узилишлар кузатилаётгани ҳақида бонг урган эди. Шундан кейинги айрим тадбирлар муаммоларга тўла чек қўя олмаганини ҳам биламиз.

«Сурхондарёкитобсавдо» масъулияти чекланган жамиятнинг «Шарқ зиёкори»га филиал сифатида қайта шакллантирилганини бу борадаги туб бурилиш деб баҳолаш мумкин.

Термиздаги «Китоблар уйи»да ўтказилган филиалнинг тантанали очилиш маросими одамларнинг китобга чанқоқлигини яна бир бор эътироф этди. Ўша куни «Шарқ зиёкори» ўзининг янги тармоғига ўн миллион сўмлик дурдона китоблар, тўрт миллион сўмлик ўқув қўлланмалари ва ашёларини армуғон этди.

— Бу армуғон ҳали ҳамир учидан патир дейди, — «Шарқ зиёкори» директори, китоб тарғиботининг толмас жонкуяри Равшан Ҳамзаев. — Яхши китоб тез ўқилади, ўқишга ўрганган одамнинг яна ўқиғиси келаверади. Биз филиалимизни янги-янги китоблар билан таъминлашни узлуксиз йўлга қўйиш ниятидамиз. Китобхоннинг, мактаб ўқувчисининг эҳтиёжига қараб ҳафталик тадбирлар асосида фаолият юритамиз. Айниқса, болалар ва ёшлар адабиёти тарғиботи ҳамиша диққат-марказимизда бўлади. Китобхон ёшлар, китобхон маҳаллалар ва мактабларни рағбатлантириш имкониятларини ишга соламиз.

Маънавият

— Эндиликда биз туманларда, аҳоли гавжум яшайдиган жойларда таянч даргоҳларимизни ташкил қиламиз, — дея суҳбатимизга қўшилади «Шарқ зиёкори»нинг Термиз филиали раҳбари Парда Орипов. - Қишлоқ кутубхоналари билан ҳамкорликни тиклаймиз. Ҳозир вилоят миқёсидаги китоб дўконлари 15 тага етар-етмасдир. Борларида ҳам хизмат маданияти ҳаминқадар. Бу ҳолатларни ўнглаш биздан катта куч талаб қилади.

— Термизда яна бир қуёш чарақлади, — дейди бошқа бир суҳбатдошимиз, воҳанинг жўшқин шоири Шафоат Раҳматуллаев.

Зеро, китоб эзгулик салтанати. Бировнинг қўлига китоб тутишдан ортиқроқ савобли иш борми?

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

«Саховат» юришлари

Андижон вилоят ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ҳамда мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамкорликда «Саховат» дея номланган юришни давом эттирмоқда. Мақсад кам таъминланганлар, якка-ёлғизлар ҳолидан хабар олиш, моддий ёрдам кўрсатишдир.

«Машъал» ширкат хўжалигида 28 йил сидқидилдан ишлаган эр-хотин Камолиддин ота билан Орзихон ая Қосимовалар хонадони ўша куни бамисоли байрамга айланиб кетди. Ҳовлига қорамол кириб келди.

— Сут-қатиққа ёлчийдиган бўлдик, — кўзларида миннатдорлик шуъалаланди уларнинг. — Кексайганимизда бизларни ёлғизлатиб қўймаганларга минг раҳмат!

Олтинкўл туманидаги Саидислом маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи бу кексаларнинг дил сўзларини Улуғнор туманидаги серфарзанд оила бекаси Фотимахон Дўлтаева ҳам такрорлади. «Давронбек» фермер хўжалиги раҳбари Инобатхон Саидова кам таъминланган оилага соғин сигир совға қилди. Туманнинг Чўлобод маҳалласида яшовчи, уруш қатнашчиси Григорий Гладков ва унинг умр йўлдоши Надежда Гладкова ҳам «Саховат» туҳфаларини олдилар.

«Саховат» юриши вилоят бўйлаб давом этмоқда.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сиёсий партиялар: Турлича фикр

СЎЗ ВА ИШ УЙҒУНЛИГИ ЙЎЛИДА

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида кўппартиявийлик тизими тобора мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Янгича кўринишдаги жамоат ташкилотлари муқобиллик шароитида жамиятга таъсир кучларини кўрсатишга, пировардида озод ва обод Ватан қуриш ишига муносиб ҳисса қўшишга интилмоқда.

Хўш, сиёсий партиялар ичида ўзаро рақобатчилар — O"zLiDeP ва ЎзХДП бу борада қандай ғоялар билан чиқишяпти? Таҳририят шу хусусда газетхонларни кенгроқ хабардор қилиш учун ҳар иккала партия раҳбарлари — Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ ва Латиф ҒУЛОМОВга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилди:

1 — ***Демократия бугунги кунда ҳаётий заруратга айланиб бормоқда. Очиғи, бу ҳақда гапирмаган, баҳслашмаган сиёсатшунос йўқ ҳисоби. Аммо, табиийки, қуруқ гап-сўз билан демократияга эришиб бўлмайди. Партияларнинг амалдаги дастурларида ҳам бунга етарлича ишорат бор ва уларнинг айнан шу йўналишдаги фаолиятларида ҳам жонланишни сезиш мумкин. Чунки бу, биз истаймизми-йўқми, бевосита партиялар нуфузига келиб тақалади. Партиялар нуфузи эса эл орасида ҳали мақтанарли даражада эмас. Сизнинг назарингизда, партиянгиз фаолиятида халқ тафаккурида демократик тамойилларни таркиб топтиришдан, аниқроғи, амалиётдан кўра назарий жараёнлар кўпроқ тош босиб кетаётгандек туюлмаяптими? Халқни демократиянинг зарурлигига, партиянгиз истиқболига қандай ишонтириш мумкин?***

2 — ***Сиёсий жиҳатдан фаол фуқаролар учун партиялар давлат ҳаётида иштирок этиш ва давлат сиёсатига таъсир кўрсатиш воситаси ҳисобланади. Гапнинг нафсиламбрини айтганда, бизда сайлов арафасидагина партияларнинг фаоллик даражаси ошади. Унгача партиялар нима билан машғул бўлади, кўпчилик билмайди ҳам. Нега шундай?***

3 — ***Маълумки, партиянгиз Дастурида аҳолини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Бу муаммо ечимини қандай ҳолатда тасаввур қиласиз. Фикрингизни мисоллар билан баён қилсангиз?***

4 — ***Сиёсий партияларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан халқнинг ичида яшашига, халқ билан бирга нафас олиши, унинг қувончини ҳам, дарду ташвишларини ҳам ўзиники деб ҳис этишига боғлиқ. Худди шу нуқтаи назардан, партиянгизнинг бошқа партиялардан ажралиб турадиган муҳим хусусиятлари ва сиёсий рақобатчиларингизнинг бошқа заиф томонлари нималарда ўз аксини топган?***

1

М. ТЕШАБОЕВ
(O`zLiDeP):

— Менимча, юртдошларимизни демократиянинг зарурлигига ишонтириш инсон тириклиги учун кислород кераклигига ишонтириш билан баробар. Чунки халқимиз истиқлол неъматининг нечоғлик азизлигини яккаҳокимлик, якка партиявийлик даврида ёқ ҳис этган. Шунинг учун бу ҳақда гапириб ўқувчиларимизнинг қимматли вақтларини олмаган маъқул, деб ўйлайман. Аммо шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, айни пайтда атрофимизда демократиядан ўз манфаатлари йўлида ғоявий қурол сифатида фойдаланаётган кучлар, давлатлар ҳам борлигини унутмаслигимиз керак. Бунга Андижон воқеалари бир мисолдир. Яъни ўз эркимизни, инон-ихтиёримизни ана шундай кучлар қўлига кўр-кўрона топшириб қўйиш энг азиз неъмат — Мустақиллигимизни хавф остига қўйиш билан баравардир.

Аслида, эса демократияга тўла амал қиладиган идеал давлат ва унинг ҳаммага бирдек маъқул келадиган ягона моделининг ўзи йўқлигини такрорлаш ортиқча, деб ўйлайман. Фақатгина демократик тараққиётнинг у ёки бу даражасида турган давлатлар бор, холос. Бунда эркин фуқаролик жамиятини қуриш ёки қонун устуворлигини таъминлаш каби унсурлар муҳим ўрин тутади. Шу боис демократияга бошқарувнинг мажбурий шакли деб эмас, балки жамият ва давлатни ислоҳ этиш жараёни сифатида қарасак тўғрироқ бўларди.

Бир сўз билан айтганда, биз давлат бошқарувида халқнинг кенг иштирокини таъминламас эканмиз, ўз мақсадларимизга эриша олмаймиз. Бугунги кунда юртимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар жамиятимиздаги турли табақалар манфаатини ҳимоя қилсалар-да, улар дастурида демократик тамойиллар бош мезон сифатида эътироф этилган. Бу эса демократия ривожининг асосий шарти ҳалол сиёсий кураш — фикрлар хилма-хиллиги, адолатли сиёсий кураш ҳисобланади деганидир. Тан олиш керак, бугунги кунда партияларнинг фаоллиги бирмунча ошди. Улар сафида кўзга кўринган жамият ва давлат арбоблари, обрў эътиборли одамлар бор. Бас, шундай экан, ана шу партиялар ғояси, танланган йўли ва вакиллари учун овоз берганлар фикрига ҳурматсизлик, беписандлик билан қарашга ҳаққимиз йўқ. Шунинг учун ҳам O`zLiDeP ўз олдига қўйган вазифаларни амалга оширишда ҳар қандай соғлом ғоялар рақобатига тайёр эканини айтмоқчиман.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва қўллаб-қувватлаш, аҳоли турли қатламлари, биринчи навбатда, ёшлар онгида демократик тамойилларни қарор топтириш биз учун оддий шиорлар эмас, балки амалий фаолиятимизнинг ажралмас қисмидир.

Ва айни пайтда амалий ишларимиз, жойларда ўтказилаётган турли тадбирлар, Сиёсий таълим марказлари, Аёллар, ёшлар ўртасида олиб борилаётган ишлар орқали сиз тилга олган ишонч учун ишлаяпмиз.

Ўзбекистон Республикаси Нодавлат нотижорат ташкилотлар Миллий ассоциацияси, Республика фермер хўжаликлари уюшмаси билан йўлга қўйилган ниҳоятда қалин ҳамкорликдан кўзда тутилган мақсад ҳам ана шу ишонч йўлидаги уринишларимиздандир, десам муболаға қилмаган бўламан.

Л. ҒУЛОМОВ
(ЎзХДП):

— Сиёсий партиялар, табиатан, мамлакатимизда фаол шаклланаётган вакиллик демократиясининг таркибий қисмидир.

Келинг аввал, "демократия" тушунчасининг мазмунига тўхтаб ўтайлик. Биз демократияни, биринчи навбатда, биринчиси дастурий устуворликларини афзал кўриб, депутатликка номзодларимизга овоз берган электоратимиз манфаатларини ифода этиш ва амалга ошириш воситаси, деб тушунамиз.

Демократия тўғрисида турлича қарашлар борлигини ҳам инобатга олмоқ керак. Айрим хорижий сиёсатшунослар кўпинча демократик эркинликлар сифатида фуқароларнинг кўпчилик фикрига ёки давлат ҳокимияти органларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизликлари)га митинглар, намойишлар, пикетлар шаклида қўшилмаганликлари ё қарши чиқишлари эркинлигини мисол қилиб кўрсатадилар. "Мана бу, дейдилар улар, фуқаролик жамиятидаги ҳақиқий демократиядир".

Бугунги кунда муайян ташқи кучларнинг ўз геосиёсий манфаатларини кўзлаб, Ўзбекистонга демократия ва фуқаролик жамиятининг политтехнологлар томонидан ишлаб чиқилган моделларини "экспорт" қилишга, тиқиштиришга уринаётганларига нисбатан томошабин бўлиб туриш мумкин эмас. Зотан, демократик мамлакатларнинг ўзида демократиянинг бундай моделлари рад этилмоқда, чунки улар жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига хавф солади. Ушбу мамлакатлар фуқаролари демократияга бир-биридан энг узоқ нуқтаи назарларни энг ўткир шаклларда намойиш этиш учун берилган чексиз ҳуқуқ эмас, балки, энг аввало, қарама-қарши ёндашувларни муросага келтириб, барча учун мақбул қарорга келиш имкониятини берувчи ноёб механизм, деб қарайдилар.

Демократик жамиятда қонун устуворлиги принципи амал қилади. Иккинчи томондан, айни электорат овозларининг йиғиндиси, охир-оқибатда, парламент томонидан қандай қонунлар, қандай таҳрирда қабул қилинишини белгилаб беради. Ҳаттоки биз депутатларнинг бошқа таркиби учун овоз берган бўлсак ҳам, бу кўпчиликнинг овози билан сайланган депутатлар қабул қилган қонунларни бажариш масъулиятидан бизни озод қилмайди.

Ўзбекистон халқи мустақилликка эришган биринчи кунларданоқ демократик тараққиёт йўлини танлади. Халқимиз 2002 йил 27 январь референдумида айни демократик йўл учун овоз берган эди. Зеро, улар турли ижтимоий-сиёсий кучлар ва минтақалар манфаатларининг оптимал мутаносиблигини таъминлайдиган парламент ислоҳотини қўллаб-қувватладилар.

Масаланинг бошқа томони шуки, биз ҳаммамиз демократия механизмларидан, бунинг учун яратилган ҳуқуқий майдон доирасида, онгли ва масъулиятли равишда фойдалана билишни ўрганишимиз лозим. Ушбу масалани ечиш учун, бизнингча, аҳолининг ҳуқуқий ва фуқаролик маърифатини кучайтириш, унинг самарадорлигини ошириш зарур.

2

— Ҳақиқатан ҳам, сиёсий партияларнинг сайловлар арафасидагина фаоллашуви бор гап. Айни пайтда бундай ёндашувни табиий ҳолат сифатида ҳам қабул қилиш мумкин. Зеро, сиёсий партиялар ҳокимиятни конституциявий йўл билан қўлга киритиш арафасида барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Партияларнинг сайловгача нима билан машғул бўлишларига келсак, менимча, ҳар қандай ҳаракат ёхуд сиёсий партиянинг асосий вазифаси фуқароларнинг сиёсий маданиятини шакллантириш, жамиятда демократик тамойилларни қарор топтиришда ҳамда ўз имижини оширишда фаол иштирок этишдан иборатдир.

Тажрибадан аёнки, турли сиёсий партиялар каби O`zLiDeP ҳам ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ жамият ижтимоий-иқтисодий ҳиётида кенг иштирок этиш, белгиланган дастурий вазифаларни амалга ошириш, ўз сафларини мустаҳкамлаш каби масалаларга жиддий эътибор қаратиб келмоқда. Тўғри, маълум маънода ютуқларимиз бор. Лекин бундан сиёсий партиялар ўзларига билдирилган ишончга лойиқ даражада ишлаяптилар, деган хулоса чиқариб бўлмайди. Бунинг бир қанча сабаблари ҳам бор. Масалан, ҳалигача аксарият юртдошларимиз "сиёсат" тушунчасига эскича ёндашув билан муносабатда бўлмоқдалар. Ваҳоланки, бугун биз янги ғоялар, янгича қарашлар, муносабатлар даврида яшаяпмиз. Сиёсий партияларнинг пассив фаолият юритишига маълум маънода уларнинг электорати, сайловлар даврида ўша партия ғояларини ёқлаб овоз берганлар ҳам сабабчи эканидан кўз юммаслигимиз керак. Демоқчиманки, қарс икки қўлдан чиқади. Ўз ваъдаларини унутиб, "кейинги сайловда бир йўли топилиб қолар" қабилида иш юритаётган партиялар эса узоққа бормайдилар.

— Партиялар вакиллик демократияси тизимида, ҳақиқатдан ҳам, фуқаролар ва давлат ўртасидаги кўприк бўлиб, сиёсий воситалар орқали ўз электоратлари манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар.

Сизнинг саволингизнинг иккинчи қисмига келсак, бизнинг партия учун "сайлов арафаси" вақти сайлов кампанияси тугагандаёқ бошланган. Яъни, ўтган йилнинг июль ойида бўлиб ўтган партиямиз V қурултойида биз олдимизга аниқ мақсад қўйдик — келгуси сайловларгача жамиятда ишончли етакчиликка эришиш ва парламент озчилиги муҳолиф партиясидан ҳокимият партиясига айланиш. Бу мақсадга эришишнинг бош воситаси сифатида биз бошқа партиялар билан сиёсий рақобатда ҳаракат қилиш деб ҳисоблаймиз. Нисбатан парламент кўпчилигига эга бўлган O`zLiDeP улар орасида бизнинг асосий рақибдир.

Олдинги саволда сиёсий партиялар фаоллиги сезиларли равишда ошаётганлиги қайд этилган. Охирги ярим йилликда, мен Ўзбекистон телевидениеси каналлари сиёсий партиялар фаолиятини тилга олмаган бирор кунни эслолмайман. Нафақат қонунчилик палатасидаги партиялар фракциялари, балки маҳаллий партия ташкилотлари фаолияти ҳам ёритилмоқда.

Афсуски, биз уни расмий матбуот тўғрисида, шу жумладан, ҳозиргача сиёсий партиялар фаолиятини ёритишда амалда Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари йиғилишлари тўғрисида қуруқ ахборот беришдан нариёққа ўтмаётган, Олий Мажлис нашри бўлмиш «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари тўғрисида ҳам айтолмаймиз. Масалага шундай қарайдиган бўлсак, кўпчилик сиёсий партиялар сайловлар оралиғида нима билан шуғулланишади, деган савол газеталарингиз таҳририятига ҳам тегишли эканлигини кўрамиз.

3

— Ўзбекистон Либерал-демократик партияси мамлакатда давлат ва жамият тизимини янгилаш, Ватан тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни жадаллаштириш учун масъулиятни ўз зиммасига олганини очиқ-ошкора эълон қилган ягона партия эканини "Халқ сўзи" ўқувчилари яхши биладилар, деб ўйлайман. Бугун мамлакатни модернизациялаш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, эркин иқтисодиётни қарор топтириш ва энг муҳими, юртдошларимизда ўз қадр-қимматини англаш туйғусини шакллантириш нафақат партиямиз, балки бутун жамиятимиз олдида турган бирламчи вазифалардан бири эканини унутмаслигимиз керак. Биз ҳақиқий мулкдорлар қатлами ислоҳот ғояларини ташийдиган ва ҳаётга татбиқ эта оладиган асосий куч эканлигини таъкидлаб келганмиз ва бу фикрни қайта-қайта такрорлашдан чарчамаймиз. Бундан қандай маъно келиб чиқади?

Эътибор берган бўлсангиз, айрим нуфузли партияларимиз янги иш ўринлари яратиш, ишсизликка барҳам бериш, жамиятда бандлик даражасини ошириш масаласида популистик қарашларни илгари сурмоқдалар. Аввалига улар давлат бош ислоҳотчи сифатида ана шу муҳим муаммони ўз зиммасига олиши шарт, деган ғояни илгари сурган бўлсалар, бироз муддат ўтгач, бутунлай ўзгача мулоҳазалар билан сохта обрў олишга уринаяптилар. Биз эса том маънодаги мулкдорлар синфини шакллантириш, мамлакатда эркин тадбиркорликни ривожлантириш орқалигина ана шу масалани ҳал этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Шу муносабат билан биз ишлаб чиқариш корхоналари ва якка тартибда фаолият юритаётган тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича зарур чора-тадбирларни кўраяпмиз. Биргина мисол, 2004-2005 йилларда бевосита партия тузилмалари ёрдами билан 242 нафар тадбиркор ва фермер 670 млн. сўм миқдоридаги кредит маблағлари билан таъминланди. Бу билан қанчадан-қанча янги иш ўринлари яратилганини бир тасаввур қилиб кўринг. Хитой халқида одамларга балиқ бергандан кўра уларга балиқ овлашни ўргат, деган ажойиб нақл бор. Бугунги кунда юртимизда кекса ва ногиронлар, болалар уйлари, мактаб, боғча ва ижтимоий аҳамиятга молик бошқа ташкилотларга беминнат ёрдам кўрсатаётган саховатпеша тадбиркорлар сони тобора кўпаймоқда. Зеро, 2006 йилга Ҳомийлар ва шифокорлар йили, дея ном берилиши замирида ҳам ана шундай чуқур маъно бор.

— Энг аввало, биз иш билан банд бўлмаган аҳолини тўлиқ ва объектив ҳисобга олиш методикасини яратишда муаммо мавжуд деб биламиз. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органлари статистикасига бу тоифага фақат иш қидириб меҳнат биржасига мурожаат қилганларни ёки меҳнат органларида ишсиз сифатида рўйхатдан ўтганларгина киритилади. Партия ташкилотларимизнинг бу масалаларда олиб бораётган мунтазам мониторинги бошқача аҳволни кўрсатмоқда. Масалан, ўтган йилнинг август ойида Хоразм вилоятининг бир нечта туманида партия ташкилотларимиз Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ўзбекистон бўйича кўрсатаётган статистикасига нисбатан, иш билан таъминлашга муҳтож одамлар сони кўпроқ эканлигини аниқладилар.

Кўплаб минтақаларда, масалан, Сурхондарё, Наманган, Фарғона вилоятларида партия ташкилотларимиз яқингача яратилаётган янги иш ўринларининг сони, меҳнатга лаёқатли аҳолининг ҳар йилги ўсишига нисбатан кам эканлигига эътибор қаратдилар.

Бу муаммони ечишнинг йўллари сифатида партиямиз қишлоқда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, халқ ҳунармандчилиги ва косибчилиги соҳасида ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантириш каби механизмларни таклиф этади. Биз мамлакат Президентининг маълум қарорларида касаначиликни ривожлантириш ва деҳқон хўжаликларида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш бўйича таклиф этилган чораларни тўла-тўкис қўллаб-қувватлаймиз. Айни пайтда, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз томонидан навбатдаги сессияларда минтақавий бандлик дастурларига аҳолини иш билан таъминлаш тизими самарадорлигини оширишга қаратилган ўзгартиришларни киритиш бўйича аниқ таклифлар тайёрланмоқда.

4

— Дунё тажрибасидан маълумки, ўз сайловчилари ва электорати ишончини қозона олмаган ҳар қандай партия ёки ҳаракат инқирозга юз тутади. Тўғри, биз ўз фаолиятимизга ўзимиз баҳо бера олмаймиз. Аммо бир нарсани тўла масъулият билан таъкидлаш жоиз: ўтган давр мобайнида биз кўпроқ бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришга ва шу йўл билан юртдошларимизнинг хоҳиш-иродаси, талаб ва истакларини имкон қадар рўёбга чиқаришга интилдик.

Сиз айтаётган рақобатчиларимиз ва уларнинг заиф томонларига келсак, фақат ХДПнинггина гўёки бозор иқтисодиёти талабларига тайёр бўлмаган аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш бўйича илгари сураётган ғояси ҳақида гапириш мумкин. Биз XXI асрда — бозор иқтисодиёти даврида, эскилик билан янгилик ўртасида кескин кураш бораётган жараёнларда яшаётганимизни унутмаслигимиз керак.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистонни ҳар томонлама тараққий топган давлатга айлантириш, халқимиз ҳаётини муносиб даражага кўтариш ва унинг халқаро обрўсини юксалтириш, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикдан энг кўп манфаатдор бўлган қатлам ҳам тадбиркор ва ишбилармонлардир.

— Биз асосий рақибларимиз – O`zLiDePдан, биринчи навбатда, электорат билан фарқ қиламиз. Бизнинг электорат — бу турли сабаблар билан бозор ислоҳотларига тайёр бўлмаган ва жамиятнинг ижтимоий қўллаб-қувватлашига муҳтож бўлган аҳолининг ижтимоий қатламларидир.

Шу билан бирга, биз аҳолининг кам таъминланган қатламларини давлат ва жамият томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамиятда боқимандалик кайфияти пайдо бўлишига замин яратмаслиги керак деб ҳисоблаймиз. *Давлат одамларни боқиши эмас, балки уларга фаоллик кўрсатишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб бериши зарур.* Ана шунда муҳтож одамларга кўрсатилиши лозим бўлган мақсадли ижтимоий ёрдамнинг самарадорлиги таъминланади. Партиямиз ижтимоий суиистеъмолчиликка қаршидир. Бизнингча, боқимандалик ва беғамлик кайфиятидан келиб чиқадиган бу иллатлар илдиз отишига, яъни одамлар ўз оиласи олдидаги бурч ва масъулиятларини давлат зиммасига юклашига йўл қўймаслик керак.

Сиёсий мафкурамиз сиёсий рақибларимиз мафкурасидан тубдан фарқ қилади. Масалан, ислоҳотлар ижтимоий самарадорлиги тўғрисидаги масалада нуқтаи назаримиз ҳар хил. Либерал демократлар эркин бозор иқтисоди принципларини асосий деб ҳисоблаган жойда, биз сиёсий мафкурамизнинг асоси – ижтимоий йўналтирилган бозор ва ижтимоий бирдамлик жамияти позициясидан келиб чиқамиз.

Иш билан таъминлаш масаласида Ўзбекистон ХДП аҳолининг янги иш ўринлари яратиш орқали тўлақонли ишлаб чиқариш билан бандлигини таъминлаш позициясида туради. Шу жумладан, касаначиликни ривожлантириш ва деҳқонларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларида меҳнати орқали ҳам. Бизнинг рақибларимиз эса, мазкур масала ечимини аҳолининг тадбиркорлик фаоллигини ошириш орқали ўзининг бандлигини рағбатлантиришда кўришади.

Табиийки, биз ўз позициямизни кучли ва мафтункор деб ҳисоблаймиз. Бизнинг заиф томонларимизга келсак, буни рақибларимиздан сўраган маъқулроқ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

БОЖХОНА СИЁСАТИДА ҚОНУНЧИЛИК

барқарорликни мустаҳкамлаш ва бозоримизнинг хорижий сармоядорлар учун жозибадорлигини янада оширишга қаратилган иқтисодий ислоҳотлар изчил амалга оширилаётир. Шу маънода мамлакатимизнинг халқаро мавқеини янада мустаҳкамлаш, икки томонлама ва кўп томонлама асосда халқаро шартномавий-ҳуқуқий базани ривожлантириш, миллий қонунчиликни халқаро меъёрлар ва қоидаларга мослаштириш ва уйғунлаштириш муҳим йўналишлардан бўлиб қолмоқда.

Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти фаолиятининг асосий йўналишларидан бири Божхона иттифоқига аъзо давлатлар томонидан Ягона иқтисодий маконни шакллантириш жараёнини жадаллаштириш, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувда уларнинг ёндашувларини мувофиқлаштиришдир. Шу мақсадда миллий божхона қонунчилиги ва меъёрларини яқинлаштириш ва уйғунлаштириш, эркин савдо тартибини тўлиқ ҳажмда расмийлаштиришни якунлаш, ягона божхона тарифи ва нотариф бошқарув чораларининг ягона тизимини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳаси тайёрланмоқда. Бу эса божхона қонунчилигини ислоҳ қилишда ўзига хос ўрин тутади.

Давра суҳбатида божхона қонунларини такомиллаштириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Анжуманда «Иқтисодий интеграциялашувни жадаллаштиришда божхона муносабатларини такомиллаштириш юзасидан давлат сиёсатининг устувор йўналишлари», «Божхона хизматининг давлат бюджети даромад қисмини тўлдиришдаги ўрни ва божхона қонунчилигини такомиллаштиришдаги айрим муаммолар», «Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлишнинг миллий иқтисодиётимизга таъсири», «Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасида интеграциялашув жараёнининг ўзига хос хусусиятлари» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Беҳзод НОРБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида пиллачилик тармоғини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалаларга бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Пиллачиликка эътибор

Унда соҳа ходимлари, мутахассис ва олимлар, тегишли вазирлик ва идораларнинг мутасаддилари иштирок этдилар. Ўтган 2005 йилда қорақалпоқ пиллакорлари давлатга режадаги 532 тонна ўрнига 549 тонна қимматбаҳо хомашё сотган эдилар. Бу йил шартнома режаси 670 тонна қилиб белгиланганлиги, мазкур довонни эгаллаш учун тармоқда туб бурилишларга эришиш зарурлиги уқтирилди. Ўтган йили ҳар қути уруғдан 48 килограммдан сара пилла олинган эди. Бу кўрсаткични сезиларли миқдорда ошириш талаб қилинади. Шу мақсадни амалга ошириш учун хориждан 6500 қути ипак қурти уруғи харид қилинди. Ўзимизда тайёрланган 7300 қути уруғ билан бирга жами 13800 қути ипак қурти боқилади. Бу ишни юксак агротехника қоидалари асосида амалга ошириш режалаштирилмоқда. Айни чоғда пиллакорлар меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришга ҳам алоҳида аҳамият берилади. Режани биринчи бўлиб бажарган туманлар учун пул мукофоти таъсис этилган. Шу билан биргаликда, «Экосан» халқаро жамғармаси пиллакорлар ўртасидаги танлов учун 20 миллион сўм пул ажратган. Жамғарма ҳисобидан энг илғор пиллакорлар юртимиздаги сиҳатгоҳларда мириқиб дам оладилар.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



"Асака мотор таъмирлаш" ҳиссадорлик жамияти Андижон вилояти туманларидаги хўжаликларга техник хизмат кўрсатади. Бу ерда асосан қишлоқ хўжалик техникаларининг двигателлари, эҳтиёт қисмлари таъмирланади. Корхона цехларида бир неча йиллик тажрибага эга малакали чилангарлар меҳнат қилишади.

Бахтиёр Зокиров (суратда) техниканинг "тили"ни тушунадиган чилангар. Унинг қўлидан чиққан таъмирталаб моторларнинг "умри узайиб", янгисидан фарқ қилмайди. Айни пайтда бу ерда иш қизигандан-қизиган.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

«Илҳом» театри Москвада

Россия пойтахтида Тошкентнинг «Илҳом» театри гастроллари бошланди. Мазкур ижодий сафар тошкентликлар билан ўн беш йилдан буён самарали ҳамкорлик қилиб келаётган Москвадаги Миллатлар театри (Театр наций) кўмагида ўтказилаётир. Москвага амалга оширилган бу галги ташриф ўттиз йиллик тўйини нишонлаётган «Илҳом» театрининг юбилей гастроллари очиб беради.

Юртимиз вакиллари Вс.Мейерхольд номидаги марказ саҳнасида Шекспир асари асосида саҳналаштирилган «Севгининг бесамар уринишлари», Абдулла Қодирий қаламига мансуб асарлар асосида яратилган «Оппоқ, оппоқ қора лайлак» ҳамда «Доктор Чехов лабораторияси» спектакларини москваликлар эътиборига ҳавола этади.

Тошкентликларнинг спектакллари Россиянинг «Культура» телеканали томонидан видеотасмага туширилиши режалаштирилган. Бу эса дунёга машҳур театр ижодидан нафақат москваликлар, балки Россиянинг бошқа ҳудудларидаги театр ихлосмандлари ҳам баҳраманд бўлади, деганидир.

Музаффар ЗОҲИДОВ,
«Жаҳон» АА мухбири,
Москва.

БИРЛАШГАН ЎЗАР

Ўзбекистон ташқи сиёсати ўзаро манфаатли ҳамкорликдан иборат икки томонлама ва кўп томонлама алоқаларни кенг йўлга қўйиш тамойилига асосланган. Ҳар икки йўналишда ҳам ҳамкорлигимиз самарали давом этмоқда ва кутилган натижаларини бермоқда.

Кенг ҳамкорликнинг мақоми Иттифоқчилик муносабатларидан стратегик ҳамкорликка бўлган мундарижадан иборат. Бунинг ҳозирги кундаги исботи жорий йилнинг март ойида мамлакатимизнинг Қозоғистон ҳамда Корея Республикаси билан ишончли, беғараз, стратегик ҳамкорлик йўлида қўйилган қадамидир.

Ён қўшни – жон қўшни

Ўзбек ва қозоқ халқларининг дўстлиги, қондошқариндошлиги асрлар қаърига бориб туташади. Тарихан қисматимиз бир, демак, истиқболимиз ҳам бир. Ҳамиша бир-биримизнинг бахтимизни ҳам, дардимизни ҳам биргаликда баҳам кўриб келганмиз. Умумий тарихимиз, муштарак маданиятимиз, цивилизациямиз, урф-одатларимиз, тилимизу динимиз битта. Ана шу омиллар икки халқ ўртасидаги муносабатларнинг синашта, мустаҳкам пойдевори бўлиб келган, бундан кейин ҳам, табиийки, шундай бўлади. Бундай комил ишончнинг навбатдаги ажойиб исботи Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг 19-20 март кунлари Ўзбекистонга расмий ташрифи бўлди. Ташрифнинг алоҳида мақоми тўрт мазмун-моҳиятда, айниқса, ёркин намоён бўлди. Биринчиси — Н.Назарбоевнинг Қозоғистонда навбатдаги Президент сайловидан кейинги биринчи расмий хориж сафари айнан Ўзбекистондан бошланганлиги, иккинчиси — Қозоғистон билан Ўзбекистон алоқаларида яхши қўшничилик, яқин дўстлик ва қардошлик, ўзаро ҳурмату ишонч амалда қатъий устувор йўналиш касб этганлигида. Учинчиси — давлатларимиз ташқи сиёсатининг танланган устувор тамойиллари муштараклигида. Тўртинчиси — бу энг асосийси — инсон омилида, яъни икки давлат бошлиқларининг ўта самимий, ишончли, оқибатли ва ҳавас қилгулик муносабатида, дўстона шахсий — инсоний ҳаммаслакликларида, ҳамфикрликларида.

Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларида мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ва ҳам маънавий асос-манбаси бўлмиш 1998 йилда имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома алоҳида моддасида қайд этилган. Унга асосан ҳатто, ҳарбий иншоотлардан ҳам биргаликда фойдаланилади. Шартнома руҳи барча соҳалардаги ялпи алоқаларимизнинг мазмун-моҳиятини тайин этди. Икки томонлама ҳамкорлик бўладими, кўп томонлама алоқалар бўладими, қатъи назар, муштарак мақсадлар, миллий, минтақавий манфаатлар маслакдош йўлбошчиларнинг ялпи сиёсий саъй-ҳаракатларининг асосини ташкил этишини ҳаётнинг ўзи амалда бот-бот исботлаб келмоқда. Биргина Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, МДҲ доираларидаги позицияларини эслашнинг ўзи кифоя.

Икки томонлама ҳамкорлик самаралари сиёсий-ҳуқуқий, айниқса, иқтисодиёт соҳаларида яққол намоён бўлмоқда. Ўзаро муносабатларнинг сиёсий-ҳуқуқий асослари қабул қилинган тўқсондан ортиқ ҳужжатларда расмийлашган. Уларнинг элликдан ортиғи иқтисодий жабҳага дахлдор бўлиб, эркин савдо, сармояларни ўзаро рағбатлантириш (Қозоғистон сармояси иштирокида Ўзбекистонда 73 та, Ўзбекистон сармояси иштирокида Қозоғистонда 36 корхона фаолият кўрсатмоқда) ва ҳимоялаш, икки томонлама соликдан қочишга оид битимлардир. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-сотиқ миқдори ярим миллиард доллардан ошди ва йилига ўртача 20 фоиздан кўпаймоқда. Машинасозлик, озиқ-овқат, енгил саноат, металларни қайта ишлаш, дори-дармон, қурилиш, транспорт коммуникациялари, нефть-газ, қурилиш материалларини ишлаб чиқиш, минерал ўғитлар, пахта ва пахтадан олинадиган маҳсулотлар, ғалла, мебелсозлик, ойнасозлик, кўнчилик ва бошқа соҳалардаги ўзаро иқтисодий ҳамкорлик қўламлари кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон ва жаҳон

Биргина мисол: Ўзбекистонда йилига 5 миллион тонна миқдорида мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилади. Шунинг ярми мамлакатимиз эҳтиёжини қондиради. Қолган ярмини бемалол ташқи бозорга чиқарса бўлади. Ана шу бозорда Қозоғистон ҳамда Россия эҳтиёжларини тўлиқ қондирса бўлади.

Икки томонлама иқтисодий алоқаларда банклараро ҳамкорликни ривожлантириш ғоят истиқболли. Шу нуқтаи назардан музокараларда давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистонда Қозоғистон Тараққиёт банкининг филиалини очиш таклифи жуда асқотади.

Икки мамлакат Президентлари раҳбарлигидаги Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг тузилганлиги, ижтимоий соҳадаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, Марказий Осиёда интеграция жараёнларини фаоллаштириш билан боғлиқ масалалар ҳуқуқий ечимини топганлиги, жумладан, ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни амалий янги босқичга кўтариш, ишбилармонлар ҳамда маъмурий-ҳудудий субъектларнинг бевосита алоқаларини кенгайтириш ва рағбатлантириш, божхона ҳамда чегарадан ўтиш тартибларини енгиллаштириш, транспорт коммуникациялари, сув-энергетика заҳираларидан унумли фойдаланиш ва бошқа жабҳалардаги алоқалар, шубҳасиз, музокаралар мундарижасини бойитди.

Жанубий Корея – стратегик ҳамкоримиз

Ўзаро ишончга асосланган шерикликнинг навбатдаги самараси Ислом Каримовнинг 28–30 март кунлари Корея Республикасига давлат ташрифи натижалари бўлди. Ташриф чоғида халқаро ва давлатлараро муносабатларда катта аҳамиятга эга муҳим ҳужжатлар имзоланди. Уларнинг орасида, айниқса, икки давлат ўртасида стратегик шериклик тўғрисида имзоланган ҳужжатни алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Ҳар иккала давлат учун ҳам тарихий аҳамиятга эга бўлган бундай шерикликнинг моҳиятини кўп томонлама ҳамкорликка асосланган ишонч ташкил этади. Бундай ишонч ва яқинликка эришиш учун томонлар биргаликда саъй-ҳаракатлар олиб боришди.

Маълумки, Корея Республикаси Президенти Но Му Хённинг 2005 йил май ойидаги Тошкент сафарида Ислом Каримов икки томонлама муносабатларни стратегик шерикчилик даражасига кўтариш таклифи билан чиққан эди. Кўп масалаларда ҳамфикр бўлган икки давлат раҳбарларининг стратегик шерикчилик борасидаги қарашлари ҳам бир жойдан чиққан эди. Ана шундай ҳамфикрлик маҳсули ўларок, Сеулда Президентлар Стратегик шерикчилик тўғрисидаги қўшма декларацияни имзолашишди. Жанубий Корея Ўзбекистоннинг энг ишончли иқтисодий шерикларидан. Ўзаро савдо ҳажми кун сайин ошиб бораётганидан келиб чиқилгани ҳолда, асосий эътибор савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилди.

1992 йилдаёқ иккала мамлакат ўртасида жорий этилган иқтисодий соҳада ўзаро энг кўп қулайлик яратиш тартиби кутилган амалий самаралар бергани ва бераётгани бугун ҳаммага аён. Биргина «УзДЭУавто» қўшма корхонасини эслашнинг ўзи кифоя. 2005 йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 38 фоизга ошиб, 564,5 миллион долларни ташкил этди. Корея Республикасининг мамлакатимиз иқтисодиётига киритган сармояси 1,5 миллиард доллардан ортиқ. Ўзбекистонда Корея давлат сармояси иштирокида 138 та корхона машинасозлик, савдо, кимё, озиқ-овқат ва енгил саноатда, металлни қайта ишлаш, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, хизмат кўрсатиш сингари соҳаларда иш юритмоқда. Айни пайтда, Корея Республикасининг 37 фирма ва компанияси Ўзбекистонда ўз ваколатхоналарини очишган. Шу ўринда савдо-иқтисодий ҳамкорлик билан боғлиқ масалаларни доимий муҳокама қилиб бориш мақсадида тузилган Ўзбекистон — Корея, Корея — Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлик ва савдо қўмиталарининг, ижтимоий соҳадаги «Ўзбекистон — Корея Республикаси» дўстлик жамиятининг, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабаларининг Кореяда малака ошириши ҳамда таълим олишини ташкил этадиган Корейс таълим марказининг самарали фаолиятларини алоҳида қайд этиш ўринлидир.

Иккала давлат ўртасидаги кенг қўламли манфаатли ҳамкорлик қўламини янада кенгайтиришнинг мавжуд барча имкониятлари тўлиқ ишга солинмаган. Буни давлат бошлиқлари ҳам қайд этишди. Жумладан, нефть-газ, тўқимачилик, оғир ва енгил саноат, электроника ҳамда юқори технологиялар соҳасидаги алоқаларни янги босқичга кўтаришни даврнинг ўзи тақозо этади. Ана шу манфаатли мақсад йўлида икки давлат ҳукуматлари ўртасида Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт жамғармаси томонидан 30 миллион доллар миқдорида имтиёзли кредит ажратиш тўғрисида битим, Ўзбекистон фуқароларини эркин ишга ёллаш тизими асосида Корея Республикасида иш билан таъминлаш, қатор вазирликлар ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумлар, иккала ҳукумат ўртасида 2006-2008 йилларга мўлжаланган маданий алоқалар дастури, олий ўқув юртлари, илмий марказлар ўртасидаги ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш юзасидан ахдлашув, битимлар имзоланди. Бундай ҳужжатлар сони қирқдан ошиқ. Уларда кўзда тутилган умумий маблағ 1,8 миллиард доллардан ортиқ. Энг муҳими — Корея Республикасининг ишбилармонлари билан учрашувлар, мамлакатларнинг йирик компаниялари ўртасида алоқалар ўрнатишнинг ва ривожлантиришнинг янги сифат босқичига кўтаришнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди.

Энди навбат уларнинг амалий ижросида. Ижро эса расмий-ташкилий жиҳатдан бошлаб юборилди, деса бўлади. Жумладан, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан Корея нефть корпорацияси ўртасида имзоланган Фарғонада геология-разведка ишларини олиб бориш тўғрисидаги битимнинг молиявий қиймати 50 миллион АҚШ долларига тенг. «Ўзбекнефтгаз» билан «КОГАЗ» компанияси ўртасида Уст-Юртда геология разведка ишларини олиб бориш бўйича тузилган ҳужжатга биноан, газ қонларини тадқиқ этиш учун Ўзбекистонга 62,4 миллион доллар миқдорида сармоя киритилди. «Ўз-Корес майнинг» Ўзбекистон — Корея қўшма корхонасини ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйишни кўзда тутувчи Таъсис шартномасининг қиймати эса 204,2 миллион долларга тенг. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан «Эксчейнж банк» ўртасида тузилган кредит битими 20 миллион доллар, Ўзбекистон Молия вазирлиги билан Корея «Эксимбанк»и ўртасида тузилган умумий таълим мактабларини ахборотлаштириш лойиҳасини молиялаштириш тўғрисидаги битим 30 миллион доллар-лик молиявий қийматга эга.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг икки томонлама ва кўп томонлама алоқалар тамойилининг кейинги ярим йиллик амалий самаралари, мамлакатимизнинг Қозоғистон ҳамда Корея Республикаси билан ҳамкорлиги минтақа, МДҲ давлатлари ва дунё миқёсида манфаатларнинг, интилишларнинг умуммуштараклиги, иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви жараёнлари янада жадаллашгани, демак, бозор иқтисодиёти ислоҳотларимизнинг аниқ натижалари ва истиқболларининг амалий тус олганининг исботи бўлди.

Саъдулла ТОЖИЕВ,
иқтисод фанлари номзоди.

KAMMAZ ARSENAL
юк машиналари учун
ШИНА
таклиф этади
Тел.: 152-73-81, 151-20-90, 151-20-33.
Сайт: www.uzkam.com
Товар сертификатланган
Манзил: Тошкент ш., Братислава к., 11 (мўлжал – Бобур боғи)

Ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, боғ соҳиблари, тадбиркорлар диққатига!
Пуркагичлар керакми? Марҳамат!
«ЎЗҚИШЛОҚМАШХОЛДИНГ» КОМПАНИЯСИ ТАРКИБИДАГИ
«AGRIXIM»
ЎЗБЕКИСТОН–ИТАЛИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИДА

ишлаб чиқарилаётган олти хил — пахтачилик-боғдорчилик учун «VP-1» русумли пуркагич-чангитгич, шунингдек, «Кариола-С-100», «ОРПД-12/М», «Аида», «Леонора», «Асусена» пуркагичларига «Ўзстандарт» агентлигидан сертификатлар берилган. Улардан саккиз йилдан бери муваффақиятли фойдаланиляпти.

Ғўза, сабзавот майдонлари, боғлар, иссиқхоналар ва ховли-жойлардаги дарахтлар ҳосилини турли зараркунанда ва ҳашаротлардан ишончли ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, шу қулай, самарали пуркагичлардан фойдаланинг. Чорвачилик фермалари, парранда-чилик фабрикаларини дезинфекциялашда, жумладан, парранда гриппига қарши курашишда ҳам пуркагичлар яхши самара беради. Тадбиркорлар бу пуркагичлардан фойдаланиб, фермер ва боғ соҳибларига агрокимё хизмати кўрсатишса, бу катта наф келтиради.

Пуркагичларни маблағ ўтказиб ёки нақд пулга сотиб олиш мумкин. Қўшма корхонада пуркагичларни тузатиб, таъмирлаб бериш имконияти бор.

Манзил: Тошкент ш., С.Машҳадий к., 210-уй.
Мўлжал: Шампан винолари заводи. Автобуслар: 16, 21,30.
Тел.: (998-71) 169-49-33, тел./факс: 169-49-44, 169-35-46.
E-mail: agrihim@mail.st.uz

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ РЕКТОРАТИ

2005-2006 ўқув йилида кундузги бакалавриат ва магистратура битирувчиларини сизни қизиқтирган таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича иш жойларига тақсимлашни давом эттирмоқда. Сиздан буюртмаларингизни жорий йилнинг 5 майига қадар институтнинг маркетинг бўлимига юборишингизни сўраймиз.

№	Таълим йўналишлари (мутахассисликлар) номи	Жами		Битирувчининг қайси вилоятдан келганлиги:																													
				Тошкент ш.		Тошкент		Андижон		Фарғона		Наманган		Сирдарё		Жиззах		Самарқанд		Қашқадарё		Сурхондарё		Навоий		Бухоро		Хоразм		Қорақал. Рес.	
		грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт
	БАКАЛАВРИАТ																																
1.	Баскетбол	6		3		1								1										1									
2.	Волейбол	4	1	2																				1	1	1							
3.	Теннис	6		6																													
4.	Футбол	56	33	20	14	17	7		2	1			1	3	2			1	2	5	1	2		3	3	3	1			1			
5.	Қўл тўпи	9		4		1				1														1		1				1			
6.	СЖТ	7	4	4	1	2	1														1				1			1					
7.	Бокс	8	10	3	6	2	1	1			1					1			1	1					1								
8.	Қиличбозлик	3		3																													
9.	Оғир атлетика	5	2	2	1						1																	1		2			
10.	Велоспорт	3	2	3	1		1																										
11.	Сузиш	7	3	6	2	1									1																		
12.	Эшкак эшиш	5	2	2	2	3																											
13.	Акробатика	1		1																													
14.	Гимнастика	6	3	3	1	1	1			2					1																		
15.	Енгил атлетика	9	7	3	2	2		1		2	3							1							1								1
16.	Кураш	26	26	10	7	1	1			2			1		5	2	1	2	4	3	3		2	1		2	1	1		2	1		
	МАГИСТРАТУРА																																
1.	Волейбол	2								1												1											
2.	Футбол	1	7		3	1	1												1						2								
3.	Қўл тўпи	2	1	2			1																										
4.	Бокс	1	1			1																							1				
5.	Оғир атлетика	1	1																			1			1								
6.	Сузиш		1														1																
7.	Гимнастика	1	3		2	1															1												
8.	Енгил атлетика	1				1																											
9.	Кураш	2	4		1						1					1				1	1				1								

Манзил: 700052, Тошкент шаҳри, Оққўрғон кўчаси, 2-уй, маркетинг хизмати бўлими. Телефон: 68-09-91.

VOLVO
Volvo Truck Corporation
Göteborg, Sweden

Ўзбекистоннинг «TURONIMPEKS SERVIS» компанияси Volvo Truck Corporation ширкатининг республикадаги РАСМИЙ ВАКИЛИ

Сизга Volvo русумидаги умумий вазни 16 тоннадан 100 тоннагача бўлган замонавий оғир юк автомобиллари ва уларга эҳтиёт қисмларни буюртмангизга биноан етказиб беришни кафолатлайди ва таклиф этади.

Манзилимиз: 700015, Тошкент, Кунаев кўчаси, 9-А уй.
Телефон: + 998 71 150-66-20. Телефакс: +998 71 150-66-30.
www.volvotruck.com

Маҳсулот сертификатланган.

«GRANDEUR XG 250»
СЕДАН ПРЕДСТАВИТЕЛЬСКОГО КЛАССА

Цена – 58 000 000 сум, 57 900 000 сум.

HYUNDAI
Official Partner
«DONG NAM MOTORS CO. LTD.» официальный дистрибьютор HYUNDAI MOTOR COMPANY
В рассрочку на 6 месяцев при наличии банковской гарантии. Первый взнос — 60% от стоимости автомобиля. Для юридических лиц.
г. Ташкент, пр. Афросиаб, 8.
Тел. (998-71) 152-17-24.
Тел./факс (998-71) 152-17-25.
E-mail: hdnuz@yahoo.com
www.uzbekistan.hyundai-motor.com
Товар сертифицирован

«SANTA FE GLS»
ВСЕДОРОЖНИК

Цена – 57 000 000 сум. 55 400 000 сум.

Тадбиркорни қандай лақиллатишди?

Мирзомурод Очилов Бухорои Шарифда яшайди. Ёши эллик тўртда. Салкам чорак аср бозорлар қуриш, уларни ободонлаштириш билан шуғулланган. Шунданми, 1996 йили Тўқимачи туманининг 6-микротумани ҳудудида қаровсиз ётган 1,4 гектар майдонни ўзлаштириб, бозор мажмуаси бунёд этиш вазифасини ҳокимиятдагилар унга ишониб топширишди. Гап орасида кейинчалик бозорни хусусийлаштириб олиши мумкинлигини эслатиб ўтишди. Мирзомурод бу ишга фамилияси дадасининг исмида бўлган туғишган иниси Боймурод Рўзиевни ҳам жалб этди.

Янги қурилиш катта сармоя талаб қиларди. Шу боис ака-ука таниш-билишларидан қарз кўтаришди. Етмаганига шахсий енгил машиналарини, уйларининг бир қисмини сотишди. Кези келганда, иккисининг маблағи ҳисобига таъсис этилган ва Боймурод бошқараётган "Мирзомурод" хусусий ширкати сармоясидан ҳам фойдаланишди. Бир йил давомида 1500 машина шағал-тош, тупроқ олиб келиб ташландиқ ерни, захкаш-зовур ва ўйдим-чуқурликларни тўлдиришди. Сўнгра ўша пайтдаги нарх бўйича 388 минг 129 сўмлик ўзларига тегишли қурилиш ашёларини ишлатиб, 30 та савдо растаси ва айвон тиклашди. Янги иншоотни "Тўқимачи" савдо ишлаб чиқариш корхонаси деб номлашди.

Бозор ишга туширилгач, бинойидек фаолият кўрсатиб, тузуккина даромад келтира бошлади. Вилоят телевидениеси орқали бу ҳақда кўрсатув ҳам берилди. Аммо 1997 йил кузига келиб, ишлар чаппасига кетди. Қўққисдан Мирзомурод билан Боймуродни туман прокуратурасига чақиришди. Маълум бўлишича, терговчилар бир неча кун олдин бозор маъмуриятини ва директор Мирзомурод Очиловни огоҳлантирмасдан текшириш ўтказишган, пировардида акаукани ўзганинг 13502 сўмлик мол-мулкини талон-торож қилганликда ҳамда шаҳар ҳокимлигининг рухсатисиз бозор сатҳини кенгайтириб, расталар қурганликда айблаб жиноят иши қўзғатишган экан.

— Мен, — дейди Боймурод Рўзиев ўша дамларни эслаб, — "Бу ўринда ўзганинг қанақа мулки бўлиши мумкин? Ахир, биз туғишган акаукамиз, бозорни шахсий пулимизга қурганмиз-ку", дедим. Терговчи Ш.Набиев "Бу — шунчаки расмиятчилик. Сизларга ҳеч нарса бўлмайди. Нари борса, жарима тўлайсизлар, холос", деди. Ўша пайтдаги туман прокурори Фурқат Маҳмудов ҳам шу гапни такрорлади. Сўнгра терговчи Ш. Набиев ҳеч нарса ёзилмаган оппоқ қоғозларга имзо чектириб олди. Охирида "Тағин адвокат ёллаб, чиқимдор бўлиб юрсангиз бўлмайди", дея очиқдан-очиқ шама қила бошладилар. Бу "ғамхўрлик"лар остида нималар мужассамлигини тўлиқ англаб етмаган М. Очилов безор бўлганидан уларнинг айтганини қилди. Ҳафта ўтар-ўтмас, бозорга бошқа одам раҳбар этиб тайинланди...

2000 йил кўкламида вазият бирмунча ўзгарди. Адлия вазирлиги Бухоро вилояти суди Раёсатига ишни қайта кўриб чиқиш юзасидан тақдимнома киритди. Саккиз ой ичида уч марта ўтказилган қўшимча тергов давомида ака-укаларнинг жиноятчи эканликлари исботланмади. Ана шундан сўнг туман прокуратурасидагилар ўнғай усулни танлашди. Ака-укадан содир этилган қилмиш гўёки вақт ўтиши туфайли ижтимоий хавфлилигини йўқотгани учун, ўзларига таллуқли ишни Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси 4-қисми 1-банди билан тугатиш тўғрисида розилик хати ёздириб олишди.

Мирзомурод эртаси куни бу модда оқлов эмаслигини билиб қолди. Ва шу заҳотиёқ хатти-ҳаракатларида жиноят аломати йўқлиги учун Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддаси 2-қисмини қўллаб, ўзини бутунлай оқлашларини сўради. Аммо унинг аризаси, гарчи ишни 84-модданинг 4-қисми 1-банди билан тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинишидан тўққиз кун олдин берилган бўлса-да, "Ҳукм қатъий, шикоятга ўрин йўқ!" деганларидек, инобатга олинмади.

...Мана, ўшандан буён орадан салкам олти йил ўтаяпти. Ортда қолган давр мобайнида Мирзомурод Очилов юқори прокуратура идораларига кўп марталаб шикоят йўллади. Аммо ҳаммасига "Жиноят иши ўз розилигингиз билан тилга олинган модда асосида тугатилган" деган мазмунда бир хил жавоб олди. Ҳолбуки, бу орада Олий Мажлис Омбудсманининг Бухоро вилояти минтақавий вакили Т. Сайидов раҳбарлигидаги гуруҳ аъзолари ушбу масалани синчиклаб таҳлил қилиб чиқиб, ака-укалар ЖПКнинг 83-моддаси 1- ва 2-қисмлари билан айбсиз деб топилишлари, реабилитация этилишлари лозимлигини исботлаб беришди. Комиссия хулосасида айтилишича, Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "в" бандида айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкини мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан бир гуруҳ шахс томонидан талон-торож қилганлик учун жазо тайинлаш кўзда тутилган. Мазкур ишда Очилов ва Рўзиевларга "ишониб топширилган ва уларнинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулки" аслида "Мирзомурод" хусусий корхонасининг раҳбари ва таъсисчиси Боймурод Рўзиевникидир. Бозор қурилишига сарфланган бинокорлик ашёлари, барпо этилган расталар ва келтирилган асбоб-ускуналар ҳам ака-укаларники ҳисобланади. Бундай ҳолатда уларни ўз мулкларини талон-торож қилишда айблаш мантиққа ҳам, қонунга ҳам тўғри келмайди. Умуман олганда, Очилов ва Рўзиевлар бозорни ободонлаштириш ниятида асосли таваккалчиликка йўл қўйганлар ва муайян натижаларга эришганлар. Шу сабабли бу борадаги жузъий камчиликлар жиноят ҳисобланмайди. Қурилишга сарфланган материаллар нархидаги фарқ эса уларнинг баҳоси 1997 йил февралидаги эмас, сотиб олинган пайтидаги, аниқроғи, 1986 йилги нархи бўйича ҳисобланган оқибатида келиб чиққан.

Қисқаси, хулосада асосли мулоҳазалар ўртага ташланганди. Минг афсуски, қонуншунослар уларни ҳам инобатга олишмади. Ана шу боис Мирзомурод Очилов ҳали-ҳануз адолат истаб шикоят ёзишдан, прокуратура органлари унга бир қолипдаги жавоб қайтаришдан чарчамаяптилар.

Хуллас, ҳозирча ҳақиқат юзага чиқмай турибди...

Қодиржон СОБИРОВ,
журналист.

ISO 9001
Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

«Management Consulting» компанияси ISO 9001, ISO 14001, OHSAS 18001, ISO/TS 16949, HACCP (ISO 22000) халқаро стандартлар талаблари асосида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга ихтисослашган.

Шунингдек, ҳужжатларни электрон бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатади.

Компания мижозлари:
- «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УШК;
- «Мубаракнефтегаз» УШК;
- «Vinlad» ИИК;
- «Rubicon Wireless Communication» ҚК;
- «ТАТ-Реестр» МЧЖ;
- «ЎзДонгВон КО» ҚК;
- «Жанубгазқурилиш» ОТҲЖ;
- «Қашқадарёгазсаноатқурилиш» ОТҲЖ;
- «AGRIHIM» ҚК.

Тел. /факс: (+99871) 132-12-55, 132-20-83, 154-66-98, 136-14-09.
E-mail: info.mc@mail.ru
Web-site: www.mc.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВАРХИТЕКТҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ
КАПИТАЛ ҚУРИЛИШДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАРКАЗИ
ҚУРУВЧИЛАР, ЛОЙИҲАЧИЛАР, ИНВЕСТОРЛАР ВА БУЮРТМАЧИЛАР УЧУН

«Марказ...» томонидан чоракли информацион **«Ўзбекистон Республикаси қурилиш ишлаб чиқаришида ишлатиладиган материал-техник ресурсларнинг жорий нархдаги каталоги» нинг 2006 йил январь-март** сони тайёрланди ва нашр этилди.

«Каталог...» республикада ягона бўлиб, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ва четдан олиб келинаётган маҳсулотларни **очиқ** шартномавий жорий нархдаги бир ўлчов миқдори минтақалар бўйича кўрсатилган. «Каталог...» да Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарувчи 250га яқин ташкилот жалб этилган бўлиб (АЖ, ОАЖ, ҚК, ХФ, МЧЖ ва бошқалар), унда қурилиш материаллари, конструкциялари, буюмлари, асбоб-ускуналари, жиҳозларининг 8800 та номи берилган.

«Каталог...» да капитал қурилишдаги долзарб мавзуларни ёритувчи «Саволжавоб» бўлими бор ва 2004-2006 йилларда Давархитектқурилиш томонидан тасдиқланган смета норматив ҳужжатлар рўйхати берилган.

Аниқ маълумотлар бизнинг сайтда **www. stroyinfo.uz.**

«Каталог...» шартнома асосида нақд пул ҳисобисиз тарқатилади.

Диққат! *Нусхалар сони чегараланган ва олдиндан келишилган сўров бўйича кейинги чорак учун тузилган шартнома асосида бажарилади.*

700011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй. Тел.: 144-08-89, 144-07-74.
E-mail: stroyinfo@dostlink.net www. stroyinfo.uz

Очиқ шартномавий нархлар — бозор иқтисодиёти муносабатларининг очиқ-ойдин асосидир.

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD
Vinlad
Сделаем жизнь спокойнее!
ADI International
Panasonic
Вид деятельности — проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.
Системы видеонаблюдения
PELCO
DX 8000 SERIES DIGITAL VIDEO RECORDER
J&S
ул. Дружбы народов, 44.
Тел.: 367-97-14/15. Факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz
Web-site:www.vinlad.com
ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103, лицензия МВД УПО № 29/2-2-97, лицензия КМ №000390 (проектирование).

Спорт

Футбол бўйича мамлакат XV миллий чемпионатининг 7 турида «Пахтакор» жамоаси дарвозабони Игнатий Нестеров янги рекорд ўрнатди, деб хабар беради ЎФФ ахборот-таҳлил бўлими.

Нестеров рекорд ўрнатди

Янги мавсумда ҳеч бир жамоа ҳужумчиси у қўриқлаётган дарвозани ишғол эта олмаяпти. У ўз жамоаси дарвозасини 702 дақиқа голсиз сақлаб турди. «Пахтакор» ушбу турда «Сўғдиёна»ни қабул қилиб, 4:0 ҳисобида зафар қучди. Чемпионликка даъвогар жамоалардан ҳисобланган «Машъал» ўз майдонида «Металлург»ни 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Андижон» — «Шўртан»1:0, «Хоразм» — «Трактор» 1:3, «Бухоро» — «Нефтчи» 2:0, «Навбаҳор» — «Самарқанд — Динамо» 0:0, «Насаф» — «Локомотив» 5:1, «Қизилқум» — «Тўполанг» 2:1.

Еттинчи турдан сўнг чемпионатда «Пахтакор» 21 очко билан пешқадамлик қилмоқда. Иккинчи ўринда бораётган «Машъал» ҳисобида 19 очко бор. «Насаф» 16 очко жамғариб, учинчи ўринни эгаллаб турибди.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қорақалпоқ эртаклари — Канадада

Канаданинг «Траффорд» нашриёти ўз мухлисларига «Қорақалпоқ халқ эртаклари» китобини тортиқ қилди. 394 бетдан иборат бу китобда қорақалпоқ халқининг фалсафага, енгил юморга ҳамда дидактикага бой, жозибали эртаклари жамланган. Гудзон қўлтиғида, Лаврентий қирларида, Кордильера тоғлари этакларида истиқомат қиладиган китобхонлар ушбу эртаклардан Оролбўйи нафасини туймоқдалар.

Ўз мухбиримиз.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Самодаги беллашув

Аранчидаги республика миллий авиация клубида авиамоделнинг эркин учар турлари бўйича Ўзбекистон чемпионати ва биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 11 жамоа иштирок этди.

Эркин учар F-1-H, F-1-G, F-1-J моделлар бўйича энг юқори очко тўплаган Тошкент шаҳри авиамоделчилари жамоа ҳисобида Ўзбекистон биринчилиги ғолиби бўлди. Кейинги икки совринли ўрин Андижон вилояти ва Самарқанд вилояти жамоаларига насиб этди.

Пойтахтлик авиамоделчилар F-1-A, F-1-B, F-1-G синфли эркин учар моделлар бўйича ҳам барчани ортда қолдириб, республика чемпионлигини қўлга киритдилар. Фарғоналиклар иккинчи, Андижон вилояти вакиллари учинчи бўлишди.

Авиамодель синфлари бўйича шахсий биринчиликда пойтахтлик спорт устаси Евгений Хаснок, наманганлик халқаро тоифадаги спорт устаси Игнат Диордице, пойтахтнинг яна бир вакили, спорт устаси Демьян Караулов энг юқори натижаларга эришиб, Ўзбекистон чемпиони бўлдилар.

Хоразм вилояти вакили Анвар Бобожонов ҳамда Тошкент шаҳрининг икки спортчиси — Арслон Абдиев ва Виталий Терехин авиамодель синфлари бўйича республика ғолиблари бўлдилар.

Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ.

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕР
AVTODOM PLUS

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар, газ баллонлари ташийдиган юк машиналари.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР:
- сут ташийдиган;
- ёнилғи ташийдиган;
- самосваллар.

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА.

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА
700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулокот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Республика Инкассация бирлашмаси жамоаси Андижон вилояти инкассация бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Қодиржон Исмоиловга волидаи муҳтарамаси

Турсуной ая ИСМОИЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Янги Юқори Технологиялар» Тараққиёт маркази жамоаси директор Баҳодир Узоқовга падари бузруквори

Неъмат УЗОҚОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 657. 28692 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — М. Жонихонов.
Мусаҳҳиҳ — М. Сулаймонова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 123456